

ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2022 (№1)

ISSN 2010-720X

2004-jildni mart ayman baslap shiga basladi

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARI HÁM ORTA
ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI**



**ÁJINIYAZ ATÍNDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ**



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikaliq jurnal

Seriya: Tábiyiy hám texnikaliq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalq ilimler.
Filologiya ilimleri

Ajiniaz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar. Filologiya fanlari

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические
науки. Филологические науки

Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.
Philological sciences

№1

2022

АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ - УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Қ.К.Узақбаев – ассистент ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институту

Таянч сўзлар: хизмат кўрсатиш географияси, учинчи сектор, сервис, хизмат, ишчи кучи, инфратузилма, иқтисодий тармоқлари

Ключевые слова: география сферы обслуживания, третий сектор, сервис, рабочая сила, инфраструктура, сектора экономики

Key words: service geography, tertiary sector, service, work force, infrastructure, sectors of the economy

Кириш. Тарихий жиҳатдан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини (АХКС) ажратиш хизматларни мустақил қисм сифатида ажратиш билан боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида ишлаб чиқариш фаолияти мазмунининг ўзгариши ва ижтимоий меҳнатнинг икки компонентга бўлинишидан келиб чиқади: товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар ишлаб чиқариш. «Хизмат» атамаси биринчи марта 1803 йилда ўзининг «Сиёсий иқтисод бўйича трактат»да француз иқтисодчиси Жан Батист Сай (1767-1832) томонидан илмий фойдаланишга киритилган деб ҳисобланади. «Хизмат» тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, улар, «сезилмас манфаат», «бююртма бўйича бажариладиган ишлар», «одамларнинг эҳтиёжларини қондирадиган меҳнат фаолияти», «номоддий ҳаракатлар жараёни» ва х.к. [1; 3; 4; 5; 7; 11 ва бошқалар.].

Асосий қисм. Д.Риддл (Riddle) [16] хизматларни бешта гуруҳга ажратади: 1) тадбиркорлик хизматлари (консултация, молия ва банк хизматлари); 2) савдо хизматлари (савдо, моддий техника жиҳатдан таъминлаш, таъмирлаш); 3) алоқа хизматлари (алоқа, коммуникация ва транспорт); 4) ижтимоий (шахсий) хизматлар (ресторанлар, соғлиқни сақлаш); 5) давлат бошқаруви (таълим, давлат бошқаруви).

Хизматларнинг айрим турлари бир-бирининг ўрнини ўзаро босади, шунинг учун тармоқлараро хизмат кўрсатиш комплекслари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг тегишли тизимлари муҳим ҳисобланади, улар ўзаро таъсирли ва функционал жиҳатдан бири-бирига яқин боғлиқ бўлган турли тармоқлар ва хизматлар турларининг тегишли гуруҳларини қамраб олади.

Хизматлар географиясининг муҳим илмий муаммоси, биринчи навбатда, илмий терминологиянинг бузилиши ва келишмовчилиги. Илмий адабиётларда «ижтимоий соҳа», «ишлаб чиқариш бўлмаган соҳа», «хизмат кўрсатиш соҳаси» ва «ижтимоий инфратузилма» каби тушунчалар мавжуд [6; 8; 14 ва бошқалар]. Баъзи муаллифлар бу атамаларни синоним деб билишади.

В.М.Рутгайзер [10:14] «ишлаб чиқариш бўлмаган соҳа» ва «аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси» тушунчаларини кўриб чиқади, гарчи кўп жиҳатдан яқин бўлса ҳам, аммо бир маънога эга бўлмаган ноаниқ тушунчалар деб ҳисоблайди. У ишлаб чиқариш бўлмаган соҳага: уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш (УЖКХК) ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (ноишлаб чиқариш турлари) хўжалиги, йўловчи ташиш транспорти, алоқа, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизматлар, бошқаришни киритади. Унинг фикрича, агар биз бу рўйхатдан фан ва бошқаришни чиқариб ташласакда, балки савдо ва умумий овқатланиш, саноат маиший хизматларини киритсак, у ҳолда биз хизмат кўрсатиш соҳасини ифодаловчи саноат мажмуасини оламиз.

А.И.Алексеев ҳаммуаллифлари билан [3] хизмат кўрсатиш таркибига юқорида санаб ўтилган тармоқлардан ташқари, рекреацион дам олиш хизматлари, ижтимоий таъминот ва хизмат кўрсатиш, кредит ва суғурта хизматлари, мулк ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Аммо таълимдан олдин у аҳолини касбий тайёргарлигини (касб-хунар ва олий маълумот) ўз ичига олмайди, лекин уни ижтимоий соҳанинг алоҳида қисми деб ҳисоблайди.

Б.А.Манак хизмат кўрсатиш тармоқларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аҳолининг моддий

эҳтиёжларини қондирадиган тармоқлар ва маънавий эҳтиёжлар ва шахсий ривожланиш учун хизмат қиладиган тармоқларга ажратади. Аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондирадиган тармоқларга савдо, умумий овқатланиш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш (УЖКХК), маиший хизматлар, йўловчи транспорти хизмати, алоқа ва ижтимоий таъминот, кредит ва суғуртани киритади. Шахсий ривожланиш учун хизмат қиладиган тармоқларга таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, курорт ва рекреацияни киритади [7:142].

В.М.Юрковский таснифига кўра [14] АХКС икки гуруҳга бўлинади. У биринчи гуруҳга индивидуал (шахсий) хизматларни киритади: 1) уй-жой коммунал хўжалиги (УЖКХ); 2) савдо ва умумий овқатланиш; 3) ижтимоий таъминот хизматлари; 4) йўловчи ташиш хизматлари; 5) маиший хизматлар; 6) маданий эҳтиёжларни қондириш хизмати (маданият, жисмоний тарбия ва спорт, дам олиш ва туризм, алоқа, ахборот хизмати); 7) болалар муассасалари ва умумтаълим мактаблари; 8) тиббий ёрдам хизмати; 9) ҳуқуқий тартиб ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш хизмати (милиция, нотариус хизмати, суд ва прокуратура, ёнғиндан ҳимоя қилиш ва бошқалар). Иккинчи гуруҳга ижтимоий (фуқаролик) хизматлари киритади: 10) кадрлар тайёрлаш; 11) фан; 12) санъат; 13) кредит ва банк хизматлари; 14) бошқарув; 15) жамоат тартибини ҳимоя қилиш; 16) мудофаа; 17) партия ва жамоат ташкилотлари.

Э.Б.Алаев ҳам [2:109-111] инфратузилмани саноат ва ижтимоий деб бўлади. Охиригиси - ҳаёт даражасининг муҳим шarti ва кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир инфратузилма элементи (транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) алоҳида инфратузилма эмас, фақат бу элементларнинг жами ушбу тушунча билан бир-бирига айнан ўхшаш бўлади. Э.Б.Алаев бу тушунчани инфратузилма эмас, балки «инфратузилма» деб аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда «ноишлаб чиқариш соҳаси» атамаси илмий ишлатишдан чиқариб ташланмоқда, унинг ўрнини «ижтимоий соҳа» тушунчаси алмаштирамоқда. Ижтимоий соҳа – бу одамларнинг турмуш тарзи ва турмуш даражасини, уларнинг фаровонлигини, истеъмоли билан бевосита боғлиқ бўлган ва аниқлайдиган тармоқлар, корхоналар, ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳанинг таркибий қисми сифатида хизмат кўрсатиш соҳасини киритади. Хизмат кўрсатиш соҳаси – бу аҳолига хизмат кўрсатадиган иқтисодий тармоқлари мажмуи [13:6].

Бизнинг фикримизча «ижтимоий инфратузилма» тушунчаси «ижтимоий соҳа» тушунчаси билан бир ҳил эмас. Ижтимоий инфратузилмага ишлаб чиқариш бўлмаган соҳалар киритилмайди, улар шахсий истеъмоли жамғармасини (фондини) шакллантиришда бевосита қатнашмайди (фан ва илмий хизматлар, давлат аппарати ва х.к.). Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни «ижтимоий соҳа» тушунчасидан кўра торроқ. Тармоқли таснифда ижтимоий соҳа куйидаги хизмат турлари билан ифодаланади: уй-жой коммунал хўжалиги; савдо ва умумий овқатланиш; маиший хизматлар (ноишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш); йўловчи ташиш транспорти; аҳолига алоқа хизматини кўрсатиш; таълим (мактабгача таълим муассасалари; умумий ўрта таълим мактаблари; ўрта-маҳсус касб-хунар таълим муассасалари ва олий ўқув юртлири); маданият (маданий, маъри-

фий ва ахборот хизматлари); санъат; тиббӣй ва санатория-курорт хизматлари; меҳмонхона хўжалиги; жисмонӣ тарбия ва спорт; туризм ва дам олиш; аҳоли хавфсизлигини ва ҳуқуқӣ тартибни таъминлаш; кредит бериш ва давлат суғуртаси; ижтимоӣ таъминот; бошқарув тизими ва жамоат ташкилотлари.

«Хизмат» ва «хизмат кўрсатиш соҳаси» тушунчаси яқин, лекин бир хил эмас. Демак, хизмат кўрсатиш – бу хизматлар кўрсатиш жараёни, хизмат эса – аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фойдали ҳаракатдир. «Ижтимоӣ соҳа» (ёки ноишлаб чиқариш соҳаси) тушунчаси кенгрок ва хизматлар соҳасини ўз ичига олади, у ўз навбатида ижтимоӣ инфратузилма ва хизмат кўрсатиш тизимини ўз ичига олади. Охириги иккиси ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан чамбарчас боғланиб қолган, чунки инфратузилмасиз хизмат кўрсатиш жараёнининг ўзи бўлмайди.

Таркиб ва тузилиши нуктаи назаридан, бизнинг тадқиқот мақсадларимизга энг яқин тушунча – «аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси» тушунчаси, аммо муаллифлар томонидан қабул қилинган тушунчада [5; 8; 9; 12 ва бошқалар] яна бу етарли даражада тўлиқ айнан бир хил ўхшаш эмас.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси «аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси» тушунчасини аниқлаш учун назарий асосдир. Биз уни функционал мақсади аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган таркибий, маъмурий ва ҳудудий тузилиш билан тавсифланган ажралмас мураккаб динамик ижтимоӣ-географик тизим деб тушунамиз.

1935 йилда Колин Кларк томонидан таклиф қилинган *уч тармоқли* ишлаб чиқариш моделида иктисодиётни «бирламчи» (қишлоқ хўжалиги ва қазиб олувчи тоғ-кон саноати), «иккиламчи» (ишлаб чиқарадиган саноат) ва «учламчи» (хизматлар соҳаси) тармоқларига бўлиш мавжуд. Учинчи секторнинг ўсиши натижасида ундан алоҳида кичик тармоқлар ажратилмоқда. Йигирманчи асрнинг 70-йилларида. Д.Белл (Bell) [15] учта соҳанинг ёнида яна иккита секторни ажратади: *тўртламчи* (quaternary) ва *бешламчи* (quinary). Учинчи сектор транспорт ва коммунал хизматларни ўз ичига олган ҳолда, савдо, молия, суғурта ва кўчмас мулк билан жараёнлар тўртинчи секторга тўғри кеди. Бешинчи секторга соғлиқни сақлаш, таълим, дам олиш, тадқиқот фаолияти ва давлат идора-

лари кирди. Ж.Зингельман ХХ асрнинг 70-йилларида иктисодиётнинг 6 секторини ажратишни таклиф қилди, шундан хизмат кўрсатиш соҳасида 4 та сектор. Иккинчи секторда у ишлаб чиқариш саноати билан бир қаторда қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам ўз ичига олишни таклиф қилди. М.Порат 4 сектор ғоясини илгари сурди: қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ва ахборот сектори, яъни билим яратиш сектори [4:41].

Хулоса. Бизнингча, хизматлар географиясининг асосий вазифаси аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланиш даражасини, АХКС ҳудудий ташкиллаштирилишини ва АХКСнинг тармоқ тузилишини ўрганиш бўлиши керак.

Адабиётларда АХКСнинг тармоқ тузилишининг кўплаб таснифи мавжуд: А.И.Алексеев, В.М.Рутгайзер ва бошқалар. В.В.Покшишевский [9] аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига: 1) соғлиқни сақлаш; 2) таълим, тарбия, маданий, маърифий ва кўнгилочар муассасалар; 3) чакана савдо ва умумий овқатланиш; 4) кредит тизими ва суғурта бизнеси; 5) уй-жой; 6) транспорт; 7) маиший хизматлар; 8) барча ахборот коммуникация тизимлари; 9) жамоат ташкилотлари ва бошқарув идораларини киритади.

Бизнингча «хизмат кўрсатиш соҳаси» тушунчасини ишлатмасдан, хизмат кўрсатиш соҳасини аслида қуйи тизимлар тўплами сифатида тузадиган, ҳар бири давлат статистик ҳисобот тизимида ўз аксини топган [10] В.М.Рутгайзернинг функционал таснифи аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ўрганиш учун ҳаммасига қараганда мосроқ.

Бу схемага киритган бизнинг кичик ўзгаришларимиз АХКСнинг 7 та қуйи тизимини тузишга имкон берди. Булар: уй-жой коммунал хўжалиги, маиший, таълим, тиббиёт, меҳмонхона-ресторан ва савдо, ижтимоӣ-маданий, транспорт хизматлари ва алоқа.

Ушбу тасниф бўйича АХКСнинг ўрганилиши Қорақалпоғистон Республикасида АХКС қуйи тизимларининг компонентли таҳлили, АХКСни ривожлантириш даражасидаги минтақавий фарқларни аниқлашга, аҳолини айрим турдаги хизматлар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар мажмуаси билан таъминлашга имкон беради.

Адабиётлар

1. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь.– М.: «Мысль», 1983.–С.350.
2. Алаев Э.Б. Экономико-географическая терминология. – М.: «Мысль», 1997. –С. 199.
3. Алексеев А.И. География сферы обслуживания : основные понятия и методы / Ковалев С.А., Ткаченко А.А. – Тверь: Твер. гос. ун-т, 1991. – С.117.
4. Бурменко Т.Д. Сфера услуг : экономика : [учебное пособие] / Т. Д. Бурменко, Н. Н. Даниленко, Т. А. Туренко. – М.: КНО-РУС, 2007. –С. 328.
5. Ковалев С.А. География сферы обслуживания как особая экономико-географическая дисциплина. / В.В.Покшишевский.// География обслуживания. Сер. География СССР. 1974. – Т. 11. - С. 8-36.
6. Козак В.Е. Непроизводственная сфера : вопросы теории. –К.: «Наукова думка», 1979. –С. 312.
7. Манак Б.А. Методика экономико-географических исследований. – Минск: Университетское, 1985. –С. 157.
8. Меркушева Л.А. География сферы обслуживания населения (теория и методология). – Красноярск : Краснояр. ун-та, 1989. –С. 184.
9. Покшишевский В.В. Население и география. Теоретические очерки. – М.: «Мысль», 1978. –С. 315.
10. Рутгайзер В.М. Ресурсы развития непроизводственной сферы. – М.: «Мысль», 1975. –С. 229.
11. Соколовский Н. К. Конструктивный географический анализ школьного обслуживания в сельской местности. // Вопросы географии. 1972. № 91. – С. 137–144.
12. Кочерга А.И. Сфера обслуживания населения: региональные проблемы. – К.: «Наукова думка», 1980. –С. 424.
13. Экономика непроизводственной сферы : [учебно-методическое пособие] / Сост. В. П. Третьяк. – Х. : ХНУ им. В.Н. Каразина, 2006. –С. 68.
14. Юрковский В. М. География сферы обслуживания. – К. : УМК ВО, 1989. –С. 82.
15. Bell D. The Coming of Post-Industrial Society : A Venture in Social Forecasting. -New York : Basic Books, 1973. –P. 616.
16. Riddle D. Service – Led Growth : The Role of the Service Sector in World Development. –N-Y.: «Praeger», 1986. –P. 228.

РЕЗЮМЕ

Жаҳон иктисодиётида хизмат кўрсатиш тармоқлари ёки учинчи сектор (третичный сектор) энг ривожланган тармоғи ҳисобланади. Бу мақолада хизмат кўрсатиш тармоқларига географик нуктаи-назардан баҳо берилган.

РЕЗЮМЕ

В мировой экономике сети сферы обслуживания или третичный сектор являются наиболее передовыми. В этой статье с географической точки зрения оцениваются сети сектора сферы услуг.

SUMMARY

In the global economy, the service sector networks or the third sector is the most advanced. In this article, from a geographical perspective, service sector networks are evaluated.

M A Z M U N Í
TÁBIYIY HÁM TEXNIKALÍQ ILIMLER

Fizika. Matematika. Texnika. Informatika

Alaminov M.X., Iqilikov A.J. Ekinshi tártipli differencial-operator teńleme ushın qoyılǵan koshi máselesiniń sheshimi haqqında	3
Asqarov M.A., Koshkarbaeva R., Ubaydullaeva A. Sızıqlı teńlemeler sistemasının bazibir qollanıwları	4
Asqarov M.A., Sarsenbaeva M., Gubenova G.T. Kópazǵalılar korenlerin anıqlawdın bazibir usılları	7
Байгураев А.М., Шахобиддинова З.Б. Некоторые кардинальные свойства плоскости немыцкого	8
Islomov Sh.E., Asqarov I.B. Avtotransport korxonalarini boshqarishda qaror qabul qilish usullarini qo'llash	11
Каландаров И.И., Бурунов Б.М., Калханов П.Ж. Инвариантные системы автоматического управления с релейным усилителем	13
Корабоев К.А., Сапаев У.К. Теоретическое исследование влияния квантового ограничения на энергетический спектр полупроводниковых сферических квантовых точек с использованием частицы в модели ловушки	15
Qutlimuratov B.J., Ubbiniyazova A.B. Lere-koppelmanńń tiykarǵı integrallıq formulası hám onnan kelip shıǵıwshı nátiye	18
Махмудов М.Ж., Суяров М.Т. Кислородли кўндирмаларнинг автобензин компонентларининг чўкма ҳосил қилиш хоссаларига таъсири	20
Mavlonov G.X., Isamov S.B., Usmonov A.A., Kenjayev Z.T. Kremniyga fosfor va bor atomlarining ketma-ket diffuziyasi	23
Мухамедиева Д.Т., Зиядуллаев Д.Ш., Ўроқов Ш. Simulation of reproduction of fixed assets and current capitals of the agroindustrial complex	24
Navruzov E.R., Maxarov Q.T., Raximova M.A. Sinflarga ajratish masalasida alomatlarıning informativligini baholash va ularni tanlash	27
Nurimbetov K., Yavidov B. External light induced increase of superconductivity of cuprates	30
Зикриллаев Н.Ф., Кушиев Ғ.А., Турсунов О.Б., Ҳамроқулов Ш.И. Диффузион технология билан Ge_xSi_{1-x} асосида гетеро ва варизон структура ҳосил қилиш ва унинг оптик хусусиятларини ўрганиш	32

Biologiya. Ximiya

Baltabaev M.T., Baltabaeva V.M., Karlıbayeva M. «Aralqum» toǵayzarlıqqa aylanbaqta	34
Бўриев С.Б., Шаропова Ш.Р. Бухоро шахрида жойлашган ҳовузларнинг санитар-гигиеник текширув натижалари	35
Кабулова Л.К., Атакузиев Т.А., Оразимбетова Г.Ж., Избасарова Г.Б. Термообработанный туффит – в качестве гидравлической добавки для портландцемента	37

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Ekonomika

Ешимбетов У.Х., Искендеров А.Б., Турдыбекова З.М., Атамуратов И.А. Формирование территориальных минерально-сырьевых комплексов в Республике Каракалпакстан	40
Узақбаев Қ.К. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини тадқиқ этишининг илмий-услубий асослари	43

Tariyx. Huqıqtanıw

Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон олий таълим муассасаларида гендер масаласини ечишининг стратегияси	45
Рузиева Д.И., Арзымбетова Ш.Ж., Даулеталиева Д.М. Патриотическое воспитание в Казахстане и странах ближнего зарубежья	48
Жайнаров О.Х. Туркистон АССР адлия органлари фаолияти тарихи манбашунослиги: турлари ва таҳлили	49
Tilevov E.M., Pirniyazova M.K. Saylaw huqıqı – puqaralardıń siyasiy huqıqı sıpatında	52

TIL BİLİMİ HÁM ÁDEBIYATTANÍW

Til bilimi

Allaniyazova Sh., Ótebaeva D. Ekologiyalıq terminler – sózlik quramńń bir bólegi	54
Байниязова С.Т. Выражение темпоральности в немецком и каракалпакском языках	55
Халмуратов И., Кдырбаева Г. Вопрос категории падежа в каракалпакском и английском языках	57
Ибрагимов Ю.М. Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари лексикасидаги айрим сўзларнинг этимологик талқини	58